

СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛЛИТ КАСАЛЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ.

**Саидов Шодлик Матякуб ўғли., Каримов Расулбек Хасанович.,
Эсамуратов Ойбек Ибрагимович.
Урганч давлат тиббиёт институти.**

Мавзунинг долзарблиги: Оториноларингалогия соҳасида кўп учрайдиган сурункали тонзиллит касаллиги юқори нафас йўллари касалликлари ичида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири ҳисобланади. Касалликнинг келиб чиқиши сабаби бўйича, турли эпидемиологик маълумотларга кўра, ушбу касаллик билан аҳолининг тахминан 5-15 % қисмида, болаларда эса 20-30 % гача учрайди. Бу ҳолат касалликни тиббиёт амалиётида учрайдиган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Чет эллик олимлар Boris S. Preobrazhensky ва Valentin T. Palchun лар олиб борган илмий изланишларда сурункали тонзиллит бодомча безларининг узок давоам этувчи инфекцион ва аллергияк яллиғланиш сифатида таърифлашган. Муаллифлар ушбу касалликда лимфоид тўқимада морфологик ўзгаришлар, крипталарда микроб колонияларининг тўпланиши ва иммунологик реакциялар муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқлашган.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига мурожаат қилган беморларнинг сурункали тонзиллит касалликларининг учраши ўрганилди.

Олинган натижалар: изланишлар давомида жорий йил давомида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига сурункали тонзиллит касаллиги билан мурожаат қилган 100 нафар беморлар ўрганилди. 100 нафар бемордан 40 нафарида сурункали тонзиллитнинг инфекцион тури, 60 нафар беморда инфекцион ўчоқнинг асорати сифатида ревматизим борлиги аниқланди.

Хулосалар: хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сурункали тонзиллит касаллиги инсон организмига сурункали инфекция манбаи бўлиб хизмат қиладиган муҳим оториноларингалогик патология ҳисобланади. Касалликни келиб чиқишини эрта аниқлаш, патогенетик жихатдан асосланган даволаш усуллари кўллаш ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш касалликнинг асоратларини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Р. Х. и др. БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР БУРУН

ЁНДОШ ШИЛЛИҚ ҚАВАТЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК КЎРСАТИЧЛАРИ
//E-Conference platform. – 2025. – Т. 1. – №. 29-noyabr. – С. 70-72.

2. Каримов Р. Х. и др. БОЛАЛАРДА ЎТКИР РИНОСИНУСТЛАРДА
БУРУН ЁНДОШ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТЛАРИ ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАРИ //E-Conference platform. – 2025. – Т. 1. – №. 29-noyabr. – С. 67-
69.

3. Султанов Б. Б., Каримов Р. Х. Хоразм вилояти аҳолисида сўлак беги
ўсмаларининг учраш турлари ва патоморфологик хусусиятлари //South Aral
Region Medical Journal. – 2025. – Т. 1. – №. Maxsus son. – С. 85-86.

4. Султанов Б., Каримов Р. СЎЛАК БЕЗЛАРИ ПЛЕОМОРФИК ВА
ОНКОЦИТАР АДЕНОМАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК
ТАҲЛИЛИ //South Aral Region Medical Journal. – 2025. – Т. 1. – №. 3. – С. 199-
208.

5. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из
практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary
science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.